Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 583-ҳадис

64- بَابُ فَضْلِ الغَنِيِّ الشَّاكِرِ، وَهُوَ **:** مَنْ أَخَذَ الْمَالَ مِنْ وَجْهِهِ وَصَرَفَهُ فِي وُجُوهِهِ الْمَأْمُورِ بِهَا

64-Боб

Беҳожат бой бўлиб, шукр айтувчининг фазилати. Яъни ҳалоллик билан топиб, уни буюрилган томонга ишлатиш ҳақида

قَالَ اللهُ تَعَالَى **:** **{**فَأَمَّا مَنْ أَعْطَى وَاتَّقَى * وَصَدَّقَ بِالحُسْنَى * فَسَنُيَسِّرُهُ لِلْيُسْرَى**}** [الليل 5-7].

وَقَالَ تَعَالَى **:** **{**وَسَيُجَنَّبُهَا الأَتْقَى * الَّذِي يُؤْتِي مَالَهُ يَتَزَكَّى * وَمَا لأَحَدٍ عِنْدَهُ مِنْ نِعْمَةٍ تُجْزَى * إِلَّا ابْتِغَاءَ وَجْهِ رَبِّهِ الأَعْلَى * وَلَسَوْفَ يَرْضَى**}** [الليل 17 - 21].

وَقَالَ تَعَالَى **:** **{**إِنْ تُبْدُوا الصَّدَقَاتِ فَنِعِمَّا هِيَ وَإِنْ تُخْفُوهَا وَتُؤْتُوهَا الفُقَرَاءَ فَهُوَ خَيْرٌ لَكُمْ وَيُكَفِّرُ عَنْكُمْ مِنْ سَيِّئَاتِكُمْ وَاللهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ**}** [البقرة 271-].

وَقَالَ تَعَالَى **:** **{**لَنْ تَنَالُوا الْبِرَّ حَتَّى تُنْفِقُوا مِمَّا تُحِبُّونَ وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ شَيْءٍ فَإِنَّ اللهَ بِهِ عَلِيمٌ**}** [آل عمران 92-].

والآيَاتُ في فضلِ الإنْفَاقِ في الطَّاعَاتِ كَثِيرَةٌ مَعْلُومَةٌ.

Аллоҳ таоло: «**Ана энди ким** (ўз мол-давлатидаги камбағал-бечораларга берилиши лозим бўлган закот ва бошқа садоқатларни) **ато этса ва** (Аллоҳдан) **қўрқса, ҳамда гўзал оқибатни** (яъни жаннат бор эканини**)** **тасдиқ этса, бас, Биз уни осон йўлга муяссар қилурмиз**» (Вал-лайл сураси, 5-7-оятлар).

«**Ўзи покдомон бўлиб, мол-давлатини (**яхшилик йўлида**) сарф қиладиган тақводор зот у (**дўзах**)дан йироқ қилинур. У (**тақводор зот**) ҳузурида-зиммасида бирон кимсага қайтариладиган неъмат йўқдир. У фақат энг олий зот бўлмиш Парвардигорининг юзини-ризолигини истаб (**мол-давлатини сарф қилур**). Ва яқинда (**Парвардигори унга ато этадиган мукофот-жаннат неъматларидан**) рози бўлур**» (Вал-лайл сураси, 17-21-оятлар).

«**Агар садақаларни ошкора берсангиз, жуда яхши. Ва агар махфий қилиб, фақир-камбағалларга берсангиз, бу ўзингиз учун янада яхшироқдир. Ва қилган гуноҳларингизга каффорот бўлади. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир**» (Бақара сураси, 271-оят).

«**Суйган нарсаларингиздан инфоқ-эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка (**жаннатга**) етмагайсиз. Ҳар қандай нарсани инфоқ қилсангиз, албатта, Аллоҳ уни билур**» (Оли Имрон сураси, 92-оят).

583 - وَعَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ
رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ: «لَا حَسَدَ إِلَّا فِي
اثْنَتَيْنِ: رَجُلٌ آتَاهُ اللهُ مَالًا، فَسَلَّطَهُ عَلَى هَلَكَتِهِ
فِي الحَقِّ، وَرَجُلٌ آتَاهُ اللهُ حِكْمَةً فَهُوَ يَقْضِي بِهَا
وَيُعَلِّمُهَا». مُتَّفَقٌ عَلَيهِ [خ 1409، م 816].

وَتَقَدَّمَ شَرْحُهُ قَرِيباً [556].

1. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Икки кишидан бошқага ҳасад қилиш йўқ: Аллоҳ мол-дунё берган-у, уни ҳақ йўлда сарфлаб юборишга муваффақ қилинган кишига ҳамда Аллоҳ ҳикмат ато этган-у, у билан ҳукм чиқариб, уни ўргатадиган кишига».

Муттафақун алайҳ.

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI